RESPUBLIKA MILLIY KITOB PALATASI
INV.№

Shu aziz Vatan — barchamizniki

O'ZBEKISTON OVOZI

IJTIMOIY-SIYOSIY GAZETA

• 2008-yil • 20-sentabr • Shanba • 116 (27.921) • www.uzbekistonovozi.uz • 1918-yil 21-iyundan chiqa boshlagan

«Ўзбек миллатининг, ўзбек фарзандларининг қобилият, зеҳн-заковат, тиришқоқлик борасида бошқа ҳеч бир миллат ёки халқдан қолишадиган жойи йўқ».

2008 йил – Ёшлар йили

Бугун И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университетининг Тошкентдаги филиалида юртимизнинг турли ҳудудларидан 240 нафар йигит-қиз таҳсил олмоқда.

Замонавий лаборатория, ёруғ ва кенг аудиториялар, лингафон хоналари, компьютерлаштирилган синфлар, ахборот маркази, спорт зали, талабалар уйи, меҳмонхонадан иборат ушбу университет ҳудуди — яшил комплекс 10 гектар майдонни эгаллаган.



БАХТЛИ ВА ОМАДЛИ ЁШЛАР

Ўтган йил январь ойида Президентимиз Ислом Каримов Тошкентда Россиянинг мазкур университет филиалини ташкил этиш тўғрисидаги қарорни имзолаган бўлса, орадан саккиз ой ўтиб, бу ерда дарслар ўқитила бошланди. Эътиборли жиҳати шундаки, қисқа муддат ичида қурувчилар, лойиҳачилар, дизайнерлар ҳамда кўкаламзорлаштириш билан шуғулланадиган мутахассислар томонидан ушбу талабалар маҳмуасини барпо этиш бўйича катта ишлар амалга оширилди.

Дастлаб 100 нафардан ортиқ талаба ўқишга қабул қилинган бўлса, келгусида бу ерда 800 нафар ёш таълим олади.

Таъкидлаш жоизки, И.М.Губкин номидаги Россия давлат нефть ва газ университети Г.В.Плеханов номидаги Россия иқтисодиёт академияси, М.В.Ломоносов номидаги Москва давлат университетидан кейин мамлакатимизда фаолият кўрсатаётган Россиянинг учинчи олий ўқув юртидир.

Орадан бироз фурсат ўтиб, кўплаб етакчи соҳаларда ана шу олий ўқув юртларида тайёрланган малакали мутахассислар иш бошлайди ва мамлакатимиз иқтисодиётини янги босқичга кўтаради.

Бу бахтли ва омадли ёшлар келажакда Ватанимиз равнақи йўлида самарали меҳнат қиладиган етук мутахассис ва комил инсонлар бўлиб етишади деб ишонч билдиришга етарли асос бор.

Рустам ШАГАЕВ, ЎзА мухбири

Суратларда: *университет талабалари Айвар Файзулин, Нодирбек Мурадов, Георгий Левин ва Нураддин Ҳакимов; ижтимоий ва социал-иқтисодий йўналишлар кафедраси доценти Ануш Цаканян машғулот пайтида.*

БРЮССЕЛДА ЎЗБЕКИСТОН БАЙРАМИ

Ўзбекистон мустақиллигининг 17 йиллигига бағишланган байрам кечаси Брюссель шаҳри марказидаги муҳташам «Концерт Нобль» марказида бўлиб ўтди

Тадбир Бельгия жамоатчилигида катта қизиқиш уйғотди. Унда Брюссель шаҳри раҳбарияти, Бельгия ва Нидерландиянинг федерал ва минтақавий вазирликлари ва идоралари, ишбилармон, жамоат, таҳлил ва маданият доиралари, Европа комиссияси ва Европарламент вакиллари, шунингдек Бельгияда аккредитациядан ўтган ЕИ ва НАТО ҳузуридаги дипломатия миссиялари ходимлари ҳамда журналистлар иштирок этди.

Йиғилганлар эътиборига мустақиллик йилларида Ўзбекистонда амалга оширилган сиёсий ва ижтимоий-иқтисодий ўзгаришлар ҳақидаги маълумотлар ҳавола этилди.

Ўзбекистон санъат усталари ижросидаги концерт дастури меҳмонлар томонидан қизғин қутиб олинди.

Амстердам бизнес марказининг халқаро алоқалар масалалари бўйича масъул вакили Йорик Бэйшмен тадбир хусусидаги фикрлари билан ўртоқлашар экан, ушбу байрам кечаси ўзбек халқининг меҳмондўстлиги ва самимийлигини яна бир бор намойиш этганини таъкидлади.

«Айни пайтда биз ўзбекистонлик ҳамкасбларимиз билан ҳамкорлик ўрнатиш имкониятларини ўрганяпмиз, — дейди Й.Бэйшмен Ўзбекистон ва Нидерландия ишбилармонлари ўртасидаги алоқалар истиқболларига тўхталиб. — Муносабатларимиз икки мамлакат ўртасидаги ўзаро манфаатли савдо-иқтисодий ҳамкорликни жадаллаштиришга хизмат қилишига ишонамиз».

Амстердам амалий санъат директори Б.Дуня халқимизни байрам билан табриклаб, жумладан, шундай деди: «Ўзбекистонлик санъаткорларнинг чиқишларида халқингизнинг бой маданий мероси акс этди. Уларнинг концерт дастурини музейимизда ҳам уюштириш ниятидамиз. Бу музейимиз меҳмонларининг халқингиз кўҳна тарихи, бой маданияти ва анъаналари тўғрисидаги тасаввурларини янада бойитишга хизмат қилар эди».

«Het VisumBuro» сайёҳлик компанияси вакили Инга Ван Экер «Жаҳон» ахборот агентлиги муҳбири билан кечган суҳбатида унинг компанияси жаҳоннинг кўплаб мамлакатларига, жумладан, Ўзбекистонга ҳам сайёҳлик сафарларни уюштиришини маълум қилди.

«Бетакрор диёрингизни томоша қилишни хоҳловчи сайёҳлар сони йилдан-йилга ортиб бормоқда, — дейди у. — Ўзбекистон Шарқнинг энг мўъжизавий мамлакатларидан биридир. Бебаҳо тарихий ёдгорликлар, қадимий ва ўзига хос маданиятга эга бўлган самимий ва меҳмондўст халқингиз тобора кўпроқ европалик сайёҳларни ўзига жалб этмоқда».

Лёвен Католик университети профессори Вильям Ван Дийлендонг байрам тадбиридан олган таассуротлари ҳақида гапириб, яқинда Ўзбекистонда бўлгани ва мамлакатимиздаги қатор олий ўқув юртлари раҳбарлари билан учрашганини таъкидлади.

«Ўзбекистонда таълим соҳасида амалга оширилаётган ислоҳотлар демократик ва ҳар томонлама тараққий этган давлат барпо этишда таянч бўладиган ёш авлодни тарбиялашнинг кафолатидир», — деди профессор В.Дийлендонг.

Азим МУҲАММАДЖОНОВ, «Жаҳон» АА.
Брюссель.

ЯНА БИР АКАДЕМИК ЛИЦЕЙ

Хоразм вилоятида академик лицейлар сони яна биттага кўпайди. Хива шаҳридаги 4-сонли академик лицей биноси замонавий меъморчилик услубида қурилиб, фойдаланишга топширилди.

— Мамлакатимизда таълим соҳасида олиб борилаётган бунёдкорлик ишлари, ўқув муассасалари моддий-техника базасини мустаҳкамлашга қаратилаётган эътибор ўз самарасини бермоқда, — дейди академик лицей директори Қаландар Бобожонов. — Ҳозир ҳар томонлама замонавий таълим муассасамизда 340 нафар иқтидорли ўғил-қиз таҳсил олмоқда. Уларга ўттиздан зиёд малакали ўқитувчи таълим-тарбия бераётир. Юқори педагогик технологиялар асосида билим бериш имкониятлари кенгайгани биз, муаллим ва мураббийлар масъулиятини янада оширади.

Ш.ХУДОЙБЕРГАНОВ, ЎзА мухбири

Қонун ва шарҳ

СИЁСИЙ БИЛИМДОНЛАР

танлов ғолиби

ЎзХДП «Истиқбол» ёшлар қаноти йигит-қизлар ўртасида сиёсий ва ҳуқуқий билимлар тарғиботига алоҳида эътибор қаратмоқда. Шу кунларда жойларда ўтказилаётган «ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008» танлови айниқса, яхши самара бермоқда.

Яқинда Юқори Чирчиқ туманидаги Янгибозор ахборот-ресурс марказида ҳам танловнинг туман босқичи бўлиб ўтди.

Бу тадбир ёшларимизнинг сиёсий ҳаётда ўз ўрнига эга эканлиги ва қонунларнинг билимдони бўлиб вояга етаётганини кўрсатди. Жумабозор педагогика коллежи талабаси Дилдора Дадабоева ўз билими ва иқтидори билан 18 дан 30 ёшгача бўлган партия аъзолари ўртасида энг билимдон иштирокчи, деб топилди.

Шунингдек, Роза Дўйсибоева ва Муҳайё Мирсалмановонинг сиёсий тафаккури ва иқтидори муносиб баҳоланди. Танловнинг бошқа қатнашчилари ёшларни таништириш, савол-жавоб, нотиқлик санъатига доир саҳнавий кўриниш шартларини аъло даражада бажаришди.

Барча ғолибларга ЎзХДП туман кенгашининг фахрий ёрлиқлари ҳамда эсдалик совғалари топширилди.

Латифжон МАНСУРОВ

ЎзХДПда ёш сиёсатчи — 2008

ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА КАФОЛАТЛАРИ

Мамлакатимизни модернизация ва ислоҳ қилиш жараёнида ишлаб чиқаришни янада ривожлантириш, ходимларнинг касб касалликлари ва саломатлигининг бошқа хил зарарланишини олдини олиш, ходимларнинг меҳнат муҳофазаси ва шароитлари, меҳнат муносабатлари ва уларнинг ижтимоий ҳимояланиш билан боғлиқ ҳуқуқларининг кафолатларини такомиллаштириш муҳим аҳамият касб этади. «Ижтимоий ҳимоя йили» Давлат дастури ҳамда Ўзбекистон Республикасининг «Меҳнатни муҳофаза қилиш тўғрисида»ги Қонуни ижросини таъминлаш мақсадида ишлаб чиқилган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги Ўзбекистон Республикаси Қонуни шу мақсадга хизмат қилади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жабрланган ва касб касаллигига чалинган ходимларнинг манфаатларини ижтимоий ҳимоялаш масалаларига оид муносабатлар бугунги кунда Ўзбекистон Республикаси Меҳнат кодекси, «Ўзбекистон Республикаси фуқароларнинг давлат пенсия таъминоти тўғрисида»ги Қонуни, Вазирлар Маҳкамасининг 1997 йил 6 июндаги «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисаларни ва ходимлар саломатлигининг бошқа хил зарарланишини текшириш ва ҳисобга олиш тўғрисидаги Низомни тасдиқлаш ҳақида»ги, 2004 йил 21 октябрдаги «Бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасини бошқаришни янада такомиллаштириш тўғрисида»ги ва 2005 йил 11 февралдаги «Ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатликнинг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш қоидаларини тасдиқлаш тўғрисида»ги қарори ва бошқа қонун ости ҳужжатлари билан тартибга солиниб келинмоқда.

2-бет >

Газетада босилмади, аммо...

МАҲАЛЛАГА СУВ ЕТКАЗИБ БЕРИЛАДИ

Тошкент вилояти, Чиноз тумани, Эшонобод ширкат хўжалиги Узумзор маҳалласида истиқомат қилувчи Омон Нурушевнинг маҳалла аҳлини тоза ичимлик суви билан таъминлашдаги камчиликлар ҳақида ёзган шикоят хати Тошкент вилояти ҳокимлигига юборилган эди. Яқинда вилоят ҳокимлигидан жавоб мактуби олдик. Унда жумладан, шундай дейилади:

Омон Нурушевнинг «Ўзбекистон овози» газетасига ёзган хати вилоят ҳокимлиги томонидан ўрганиб чиқилди ва қуйидагилар маълум қилинади:

Узумзор маҳалласига Қуйи Чирчиқ туманида жойлашган «ВУ-1» сув иншоотидан Халқободда жойлашган «ВУ-3» сув иншоотига сув ҳайдаб берилган. «ВУ-3» сув иншоотидан Эшонобод орқали Узумзорга сув берилган. Ушбу тизимда сув қувурлари эскириб, авария ҳолатлари кўпайиб кетиши сабабли сув бериш имкони бўлмаганидан сўнг Чиноз тумани «Дўстлик» иншоотидан сув бериш мўлжалланди.

Ҳозирги кунда Эшонобод орқали Узумзор маҳалласига сув бериш имкони бўлмаяпти. Сабаби 24 км узунликда катта босим билан сув беришда катта муаммолар юзага келган. Эшонободдан Узумзоргача бўлган «d 800 мм.» қувурни сув билан тўлдириш катта сарф-харажат ва электр энергияни талаб этади.

2009 йил «ВУ-1» тизимини тўлиқ таъмирлаб, сув бериш мўлжалланмоқда. Шунга қарамай, ҳозирги кунда «ВУ-1» тизимидан сув беришга қадар Узумзор маҳалласини сув билан таъминлаш чоралари кўрилмоқда.

М.ШОКИРОВ, Тошкент вилояти ҳокимлиги Саноат, тадбиркорлик, капитал қурилиш, коммуникация ва коммунал хўжалиги масалалари бўйича котибият мудири».

ҚЎҚОНДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ 2
ҳукуматимиз томонидан 2008-2012 йилларга белгиланган дастур асосида олиб борилмоқда

БАРЧА ҚУРИЛИШ ТАШКИЛОТЛАРИ ВА КОРХОНАЛАРИ РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!.. 3

МИРЖАЛОЛ ҚОСИМОВ — ЎЗБЕКИСТОН ТЕРМА ЖАМОАСИ БОШ МУРАББИЙИ 4

Футбол

ХУЛОСА ЧИҚАРИШГА ҲАЛИ ЭРТА

Футбол бўйича Ўзбекистон миллий терма жамоасининг 2010 йил Жанубий Африка Республикасида бўладиган жаҳон чемпионати саралаш учрашувлари тўртинчи босқичини муваффақиятсиз бошлаганлиги миллионлаб мухлислар ва мутахассисларимизни ташвишлантирмоқда. Мағлубиятлар сабаби нимада? Жаҳон чемпионати йўлланмасини қўлга киритиш имкониятимиз борми?! Мамлакатимизда футболни ривожлантириш, миллий чемпионат савиясини кўтариш йўлида қандай чоралар кўрилмоқда?

Ўзбекистон Футбол федерациясида ЎФФ президенти Мираброр Усмонов билан оммавий ахборот воситалари ходимлари ўртасида ўтказилган матбуот анжуманида юқоридаги каби бир қатор саволларга жавоб олинди.

— Миллий терма жамоага хорижлик мутахассисни таклиф қилиш фурсати келмадими? Қолаверса, ўсмирлар ва ёшлар терма жамоаларининг Осиё чемпионатига ҳозирлиги хусусида нима дея оласиз?

— Хориждан мутахассис жалб қилиш керакдир, эҳтимол, — деди ЎФФ президенти. — Аммо ҳозир эмас. Чунки ҳал қилувчи саралаш босқичининг иккита тури ўтиб бўлди. Қолаверса, хорижлик мураббий келиб, то бизнинг футбол билан танишиб чиққунга қадар анча вақт ўтади. Ҳозирда шу масала юзасидан бош қотираяпмиз, бу масала иш режамиздан жой олган.

Ўсмирлар ва ёшлар терма жамоалари Осиё чемпионатига тайёргарлик доирасида Япония, Миср, Эрон ва Жанубий Кореяда ўқув-машғулот йиғинлари ташкил этишди. Улардан умидимиз катта. Аммо мени ташвишлантираётган жиҳати, терма жамоага номзодларни танлаш имкониятининг камлиги. Қачонки, терма жамоа унда тўп суриш учун ҳар томонлама тайёр 500 — 1000 нафар ёш футболчига эга бўлмас экан, унинг келажаги ҳақида ишонч билан гапириш қийин.

4-бет >

O'zbekiston havo yo'llari
TOSHKENT XALQARO AEROPORTI
Хизматлар лицензияланган

Қонун ва шарҳ

ИЖТИМОИЙ СУҒУРТА КАФОЛАТЛАРИ

(Давоми. Боши 1-бетда)

Қонуннинг зарурлиги объектив ҳолатларга узвий боғлиқ бўлиб, келтирилаётган маълумотларда ўз аксини топади. Масалан, республика бўйича ишлаб чиқаришда 2007 йил давомида халқ хўжалигининг барча тармоқлари бўйича 498 та бахтсиз ҳодиса юз берган. Бу ҳодисалар оқибатида 120 нафар ходим ҳалок бўлган, 517 нафар ходим жабр кўрган, илк бор касб касаллигига чалинган ходимлар сони 30 нафарни ташкил этган.

Давлат ижтимоий суғуртаси тўловларининг барча турларига кетадиган умумий молиявий харажатлар йилига ўртача 400 млрд. сўмни ташкил этади.

Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар сони ва касб касалликларига чалиниш ҳолатлари қурилиш корхоналарида, кимё ва нефть-газ саноатида, транспорт саноатида ўтган йилга нисбатан сезиларли даражада ошгани кишини хавотирлантиради. Бундай ҳолатга корхоналарнинг хусусийлаштирилиши, натижада иш берувчининг масъулияти сустлашгани ҳам сабаб бўлмоқда.

Ўзбекистон Республикаси Олий Мажлиси Сенати томонидан 2008 йил 28 августдаги XV ялпи мажлисида Қонунчилик палатаси томонидан 2008 йил 26 июнда қабул қилинган «Ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси тўғрисида»ги маъқулланган Ўзбекистон Республикаси Қонуни ўн саккизта моддадан иборат бўлиб, унда Қонуннинг мақсади ва қўлланилиш соҳаси, мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси қонунчилигидаги асосий тушунчалар ва вазифалар аниқланган ҳамда мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси субъектларининг ҳуқуқ ва мажбуриятлари ифодасини топган.

Ушбу қонуннинг асосий мақсади ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан зарар кўрган ишловчи фуқаролар учун ҳуқуқ ва кафолатларни, бу соҳадаги муносабатларни тартибга солиш вазифалари ва механизмларини қонунчилик йўли билан мустаҳкамлаб қўйишдан иборат.

Қонуннинг 4-моддасида мажбурий давлат ижтимоий суғуртасининг вазифалари белгилаб қўйилган бўлиб, булар хусусан фуқароларни ижтимоий муҳофаза қилиш, ходимнинг ҳаёти ва соғлиғига зарар етказилганлиги муносабати билан суғурта товони тўланишини таъминлаш, меҳнатни муҳофаза қилиш ҳолати ва меҳнат шароитларини яхшилаш, шунингдек, ишловчи фуқароларнинг соғлигини сақлаш вазифаларидир.

Ушбу Қонун ишлаётган фуқаролар учун давлат томонидан ҳуқуқий кафолатлар таъминланишининг, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан ва касб касалликларидан жабрланганлар моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватланишининг мустаҳкам ҳуқуқий асосини яратади, ижтимоий суғурта тизими янада ривожланишига ёрдам беради.

Қонунда боқувчисини йўқотганлик пенсиялари билан боғлиқ муносабатларни тартибга солишга алоҳида эътибор қаратилган. Жумладан, ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари туфайли боқувчисини йўқотганлик пенсиялари вафот этган суғурталанган шахснинг қарамоғидаги меҳнатга лаёқатсиз оила аъзоларига тайинланади. Шунингдек, Қонунда меҳнатда майибланганлик ёки касб касаллигига чалинганлик оқибатида вафот этган боқувчининг оиласига, шунингдек, марҳум пенсионернинг оиласига пенсия боқувчининг иш стажидан қатъи назар, тайинланади деб кўрсатилган.

Шуни таъкидлаш лозимки, амалдаги қонунчиликка биноан ходимларга уларнинг меҳнат вазифаларини бажариш билан боғлиқ ҳолда жароҳатланиши, касб касалликларига чалиниши ёки саломатлигининг бошқа хил шикастланиши туфайли етказилган зарарни тўлаш тартибини белгилаб берган алоҳида қонун мавжуд эмас эди.

Қонуннинг ўзига хос жиҳати шундаки, унда ижтимоий суғурта ижтимоий ҳимоянинг бошқа турларидан фарқ қилиб, суғурта қилинганлар иш ҳақининг йўқотилишидан ҳимояланадилар, яъни суғурта бадаллари ва компенсация тўловлари иш ҳақи билан боғланган. Суғурта тўловларини олувчилар, фақатгина ижтимоий ҳимоянинг ушбу турига ҳуқуқи бўлган, суғурталанган шахслар бўлишлари мумкин.

Шулардан келиб чиққан ҳолда, Қонунда қуйидаги нормалар мустаҳкамлаб қўйилган:

ижтимоий суғурта субъектларининг, яъни суғурталанган шахс, суғурта қилдирувчи ва суғурталовчининг ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликлари жараёнидаги асосий ҳуқуқ ва мажбуриятларини ўрнатиш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодиса ва касб касалликлари оқибатида ходимнинг йўқотган соғлиги ва меҳнат қобилиятини мажбурий ижтимоий суғурта бўйича таъминот турларини тақдим қилиш йўли билан тиклаш;

ишлаб чиқаришдаги бахтсиз ҳодисалардан жароҳатланиш ва касб касалликларига чалиниш туфайли ходимга етказилган зарарни суғурта тўловини тўлаш йўли билан қоплаш.

Шунингдек, Қонунда мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш бўйича маблағларни шакллантириш, суғурта тўловлари турлари ҳамда уни олиш ҳуқуқига эга фуқароларнинг категориялари аниқ кўрсатилган ва мажбурий давлат ижтимоий суғуртаси субъектларининг жавобгарлиги ўрнатилган.

Қонунда, шунингдек, мажбурий давлат ижтимоий суғуртасини амалга ошириш бўйича маблағларни шакллантириш шартлари ва мажбурий давлат ижтимоий суғуртасига тортиладиган зарарни қоплаш механизми, ходимнинг, иш берувчининг ва бюджетдан ташқари Пенсия жамғармасининг мажбурий ижтимоий суғурта соҳасидаги ваколати ва жавобгарлиги мустаҳкамлаб қўйилган.

Мазкур Қонун яқин келажакда ўзининг улкан самарасини бериши билан бирга, ишлаб чиқаришда бахтсиз ҳодисалар ва касб касалликларидан жабрланганларни моддий ва ижтимоий қўллаб-қувватлашга, ижтимоий суғурта тизимининг келгусида янада ривожлантиришга хизмат қилади.

Дилшод КАРИМОВ,
Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Амалдаги қонун ҳужжатлари мониторинги институти гуруҳ раҳбари.

Озод юртнинг обод кентлари

ҚЎҚОНДА КЕНГ КЎЛАМЛИ БУНЁДКОРЛИК ИШЛАРИ

ҳукуматимиз томонидан 2008-2012 йилларга белгиланган дастур асосида олиб борилмоқда

Дунёда номига «шариф», «латиф» сўзлари қўшиб аталадиган шаҳарлар жуда кам. Булар Макка-и Мукаррам-а, Мадина-и Мунаввара, Бухорои шариф ва Ҳўқанди латифдир. Қўқонга нисбатан қачондан буён «латиф» сифати қўшиб айтилишини билолмадиг-у, аммо шу биргина сўзда шаҳар ва шаҳарликлар сиймоси аниқ ифодасини топган. Бу ерда шаклланган назмий адабий муҳит, санъатга ошуфталик, одамлардаги хушхулқлик ва тавозе, андиша, айниқса лутфдаги маънодорлик — буларнинг ҳаммаси туриш-турмушга, ҳатто меъморий андозаларга ҳам таъсир қилмай қолмаган.

Бугун Қўқонга келган киши ана шу азалий фазилатларга яна ажиб замонавий фазилатлару яна ажиб жўшқин қиёфалар қўшилганини кўради. Шаҳарнинг бирон даҳа ёки кўчаси, ишлаб чиқариш корхонасию хизмат кўрсатиш тармоғи йўқки, кенг кўламли бунёдкорлик ишлари авж олмаган бўлса. Ҳар қадамда қудратли қурилиш техникалари, юзлаб, минглаб қурувчи мутахассислар. Сабаби, мамлакатимиз Президенти топшириғига кўра ҳукумат тасдиқлаган 2008-2012 йилларда шаҳарнинг ижтимоий инфратузилмасини реконструкция қилиш, ободонлаштириш ва ривожлантириш дастури кенг амалга оширилмоқда.

— Ҳозирги кунда тўққиз йўналиш бўйича қайта қуриш ва реконструкция ишлари давом этяпти, — дейди шаҳар қурилиш дирекцияси раҳбари Адҳамжон Муродов. — Дастурдаги ишларга 34 миллиард сўм сарфланиши кўзда тутилган. Энг катта эътибор ижтимоий соҳага қаратилган. Аввало аҳолининг газ, сув, электр қуввати таъминоти тубдан яхшиланади...

Биз «Қўқонгаз» идораси мутахассислари билан ҳамкорликда пойтахтдан келган монтажчилар ишлаётган Навоий номли кўчадаги қурилиш ишлари билан танишдик. Кесими 530 миллиметрли, қалинлиги 1,2 сантиметр бўлган пўлат қувурлар ер остига

пешма-пеш ётқизилмоқда.

— Қувурлар 12 атмосфера босимга чидамли, — изоҳлади «Қўқонгаз» идораси раҳбари Бахтиёр Толипов. Бундай қувватдаги тармоқ тортилишининг сабаби — бир неча ўн йиллар келажак эҳтиёжи ҳам ҳисобга олинаётир. Қувурлар Данғара тумани йўналишига ҳам ётқизилади ва шаҳар газ тармоғида халқа пайдо бўлади. Бу — барча ҳудудларда босимнинг кечакундуз бир маромда бўлишини таъминлайди. Қурилишга 6,4 миллиард сўм маблағ сарфланиши режалаштирилган. Ҳозирнинг ўзида 1,2 миллиард сўм ўзлаштирилди.

Дастур асосида «Ўзбекэнерго» ДАК ҳомийлигида ўнга яқин маҳалладаги трансформаторлар янгиланди, 29 таси мукаммал, 58 километр узунликда 0,4 киловаттли ҳаво линиялари жорий таъмирдан чиқарилди. Бу ишларга 2008 йилнинг ўзида 570 миллион сўм сарфлаш кўзда тутилган.

— Қўқон ер ости суви юмшоқ ва ширин, — давом этди у. — Ичимлик суви таъминотини янада яхшилаш учун «Мингтут» бош сув ҳавзасида яна 2 та қудуқ бурғуланди. «Иссиқлик манбаи» тасарруфидаги 32 та қозонхонадан 16 таси янгисига алмаштирилди. 13,4 километр узунликда кўп қаватли уйларга иссиқлик етказиб берувчи қувурлар ҳам янгиланаяпти.

Шаҳарнинг айланма, магистрал йўллари ва 60 га яқин ички кўчалари ҳолатида ҳам таъмирлаш ва янгидан асфальт ётқизиш ишлари қизғин кетмоқда. Тарихий обидалар: Ўрда, Жомеъ масжиди, «Миён Ҳазрат», «Даҳмаи Шоҳон», «Мадарихон» каби мақбаралар, «Камол қози», «Дастурхончи», «Норбўтабий» каби мадрасалар мукаммал реставрация қилиниши назарда тутилган. «Ёшлар хиёбони» мажмуасининг ўзи 5 гектар майдонга эга. «Деҳқон бозори» қурилиши шу йил охиригача якунланиши кутилмоқда. «Қўқонсут», «Улуғбек» ОАЖ ип-йигирув трикотаж корхонаси, «Қўқон мебель», «Қўқон пойабзал» каби ўндан зиёд саноат мажмуаларига инвесторларнинг 4,4 миллиард сўм маблағи жалб этилиб, минглаб янги иш ўринлари ташкил этилмоқда.

— Бундай кенг кўламдаги ишлар бўлишини истиқлолга қадар хаёлимизга ҳам келтирмаганмиз, — дейди шаҳарнинг обрўэътиборли кексаларидан Каримбек ота. — Президентимиздан миннатдормиз. Қўқонликларга кўрсатилаётган бу ғамхўрликка биз ҳам амалий ишларимиз билан жавоб беришимиз лозим, — деб ўйлайман.

Муҳаммаджон ОБИДОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

Муқимжон ҚОДИРОВ (ЎзА) олган суратлар

Таҳририятдан: газетамизнинг Фарғона вилояти бўйича ўз мухбири сифатида журналист Муҳаммаджон Обидов иш бошлади. Юқорида у ёзиб юборган илк мақола билан танишдингиз.

Пойтахтимизда Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди, Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти, АҚШнинг Янги демократиялар институтининг мамлакатимиздаги ваколатхонаси ҳамкорлигида «Демократик янгиланишлар жараёнида оммавий ахборот воситаларининг ўрни» мавзуида семинар-тренинг бўлиб ўтди.

ДЕМОКРАТИК ЯНГИЛАНИШЛАР ВА МИЛЛИЙ МАТБУОТ

Унда юртимиздаги етакчи газета ва журналлар, Интернет-нашрлар, нодавлат телерадио каналлари раҳбарлари, олий таълим муассасаларининг журналистика факультети профессор-ўқитувчи ва талабалари, жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Фуқаролик жамиятини ўрганиш институти директори М.Усмонов, Ўзбекистон мустақил босма оммавий ахборот воситалари ва ахборот агентликларини қўллаб-қувватлаш ва ривожлантириш жамоат фонди директори Ж.Ҳакимов ва бошқалар Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида юртимизда барча соҳаларда инсон манфаатларини таъминлаш ва ҳимоялашга йўналтирилган ислоҳотларда миллий матбуотнинг фаол иштирокини таъминлаш, эркин, мустақил фаолият юритиши учун зарур шароит ва имкониятларни яратиш борасида амалга оширилаётган кенг кўламли чора-тадбирлар ўз самараларини бераётганини таъкидлади.

Бунинг натижасида оммавий ахборот воситаларининг Ватанимизда кечаётган демократик янгиланиш жараёнлари мазмун-моҳиятини халқимиз ва жаҳон ҳамжамиятини ўз вақтида, холис ва ҳаққоний тарзда хабардор этиш, халқимиз маънавиятини юксалтиришдаги ўрни тобора ортиб бормоқда.

Оммавий ахборот воситалари фаолиятини янада эркинлаштириш, уларнинг амалдаги мустақиллигини таъминлаш, моддий-техник базасини мустаҳкамлаш, журналист кадрларнинг касб салоҳияти ва малакасини юксалтириш борасидаги чора-тадбирлар жамиятда демократик қадриятларнинг мустаҳкам қарор топиши учун кенг имкон яратмоқда.

Семинарда оммавий ахборот воситаларининг жамиятдаги фаоллигини ошириш, юртимизда кечаётган ислоҳотлар жараёнини матбуот орқали кенг ва таҳлилий ёритилишини таъминлашда журналистик фаолиятнинг маънавий-ахлоқий меъёрлари, журналистларни тайёрлаш, қайта тайёрлаш, маҳорат ва малакасини оширишга кўмаклашишда, миллий матбуотимиз фаолиятини халқаро талаблар асосида такомиллаштиришда энг аввало миллий манфаатларимиз нуқтаи назаридан ёндашишга оид маърузалар тингланди.

Теле-кўприк тарзида ташкил этилган семинар-тренингда иштирокчилар бир вақтнинг ўзида Қорақалпоғистон Республикаси, Самарқанд, Андижон, Қашқадарё вилоятларида фаолият кўрсатаётган оммавий ахборот воситалари вакиллари билан мавзуга доир маърузалар юзасидан ўзаро фикр ва тажриба алмашдилар.

Назокат УСМОНОВА,
ЎзА мухбири

Замондошларимиз

Севаз Китоб туманининг тоғолди ҳудудидаги каттагина бир қишлоқ. Қорли тоғлардан бошланган Оқдарё суви анҳор орқали қишлоқ ўртасидан оқиб ўтади. Одамлари аҳил, меҳр-оқибатли...

Бир неча кунки, қишлоқдошлари Зулфия ҳожиона хонадонига «қутлуғ бўлсин»га келиб кетишмоқда. Зеро, истиқлол байрами арафасида унинг кенжа ўғли Алишержон Бойқораев «Шуҳрат» медали билан тақдирланди.

ИНТИЛГАНГА ТОЛЕ ЁР

китоблик ёшларнинг ишлари ва орзулари

— Алишержон кенжа ўғлим, — ҳикоя қилади она. — Бир куни у: «Эна, мен Президентимиз билан кўришдим, суҳбатлашдим», деб келса, аввалига ишонмадим. «Сен қайда-ю, юртимизнинг улуғи қайда», десам, рост айтган экан. Ўшанда телевизордан кўриб, кўнглим тоғдай кўтарилди. Мана, бугун Юртбошимиз уни мукофотга ҳам муносиб кўрибди. Илоҳим ҳамма ҳам шундай мукофотларга муяссар бўлсин...

Алишержоннинг болалигидаёқ ғалати-ғалати орзулари бор эди. Менга бир куни: «Эна, ҳали кўрасиз, мен отамнинг фермасида завод қураман», — деб қолди. Машойиҳларнинг бола бошидан, деган гапи рост экан, ниятлари ушалаяпти...

Ҳожиона билан хушлашиб, боғлар бағрида жойлашган корхонага бордик. Алишер Бойқораев қаддибасти келишган, аввал узоқ ўйлаб, кейин фикр айтадиган йигит экан. У Самарқанд қишлоқ хўжалик институтини битириб, иқтисодчи ихтисослигини эгаллагач, Шаҳрисабз сутпишлоқ корхонасига ишга келган. Тўқсон учинчи йили бу ерда қадоқланган ичимлик суви ишлаб чиқарадиган Ўзбекистон-Сингапур қўшма корхонаси ташкил топгач, цех бошлиғи бўлиб ишлай бошлаган. Айни пайтда, ўз уйида музқаймоқ тайёрлайдиган кичик цех очган.



2005 йилда Вазирлар Маҳкамаси режасига кўра, «Ўзмарказмпэкс» компанияси билан тузилган шартнома асосида россиялик ҳамкорлар иштирокида барпо этилган «Севаз — Андроникс» қўшма корхонасига раҳбарлик қила бошлайди. Кейинчалик мазкур корхона масъулияти чекланган жамият сифатида иш юритади ва 194 минг еврога Австриядан «Бухер фудтех» фирмасининг шарбат ишлаб чиқарувчи замонавий ускуналари олиб келиб ўрнатилади. Жамоага 259 гектар узумзор ва боғ ажратилади. Шу йилнинг ярим йиллик якунларига бағишланган Вазирлар Маҳкамаси йиғилишида Юртбошимиз қишлоққа саноатни жадал олиб кириш, тадбиркорларни қўллаб-қувватлаш ҳақида гапириб, айнан Севаз қишлоғидаги қайта ишлаш корхонаси ва унинг раҳбари Алишер Бойқораевнинг ишларини тилга олади.

— Юртбошимиз шу йил вилоятимизга ташриф буюрганида, учрашиш бахтига муяссар бўлдим, — деб ҳикоя қилади Алишер. — У киши мендан қандай ишлар қилаётганим ҳақида сўради. Мен ҳаяжонланиб гапирдим. Ўтган йилнинг ноябрида корхона ишга туширилиб, ёшлар ускуналарни бемалол бошқара бошлаганида, уларга мураббийлик қилган немис мутахассислари: «Кўп давлатларда шундай корхоналарни ишга туширишда қатнашганмиз, аммо бундай укувли ёш ишчиларни кам кўрганмиз», дейишган эди. Шуни айтдим. Раҳбаримиз хурсанд бўлди.

— Австриялик мутахассислар ҳавас қилганларича бор, — дея суҳбатга қўшилди корхонанинг цех бошлиғи Раҳматулла Абдуллаев. — Мана, қаранг, мева эзиш, шарбат тозалаш, идишларга қуйиш — анча мураккаб жараёнлар, аммо ишчилар бу юмушларни рисоладагидек адо этишади. Ҳолбуки, бундай замонавий ускуналар кўп корхонада йўқ...

— Ҳозир боғларимизда 600 нафар боғбон, корхонамизда эса 50 нафар ишчи меҳнат қилаяпти, — дейди Алишер. — Ўтган йили 700 тоннадан ошиқ узум етиштирдик. Аммо қиш совуғи токларга анча таъсир кўрсатган экан, янги токзорлар яратишимизга тўғри келди. Бошқа муаммолар ҳам бор. Масалан, туман хўжаликларида асосан кечпишар мевалар экилган, биз эса анча майдонга эртапишар мева кўчатлари ўтказдик. Юртбошимиз ўша учрашувда кичик корхоналар ва тадбиркорлар ишини мувофиқлаштирувчи кенгаш тузиш маслаҳатини бергандилар. Ҳозир бу таклиф амалга ошди. Яна биз корхонага янги технологиялар, хусусан, қоғоз идишларга мева шарбати қадоқлаш линияси олиб келишни мўлжалга олдик...

Юнус УЗОҚОВ,
«Ўзбекистон овози» мухбири.

КОРХОНА ВА ТАШКИЛОТЛАР РАҲБАРЛАРИ ДИҚҚАТИГА!

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ ҲОКИМЛИГИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

2009 йилда капитал реконструкция қилиниши режалаштирилган қуйидаги иншоотларни тўлиғича қуриб фойдаланишга топшириш шарти билан пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича

ТАНЛОВ САВДОЛАРИ ЎТКАЗИЛИШИНИ ЭЪЛОН ҚИЛАДИ:

ЛОТ 1-8:	
Лот-1	Нарпай тумани, Ойтамғали маҳалласидаги 270 ўқувчи ўринли 13-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-2	Нарпай тумани, Танишка қишлоғидаги 270 ўқувчи ўринли 29-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-3	Нарпай тумани, Иймон маҳалласи, Болғачи қишлоғидаги 430 ўқувчи ўринли 38-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-4	Нарпай тумани, Чорбоғ қишлоғидаги 420 ўқувчи ўринли 6-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-5	Оқдарё тумани, Янгиқўрғон қишлоғидаги 960 ўқувчи ўринли 2-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-6	Оқдарё тумани, Човка қишлоғидаги 240 ўқувчи ўринли 27-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-7	Оқдарё тумани, Янгиқишлоқ қишлоғидаги 290 ўқувчи ўринли 44-мактабни капитал реконструкция қилиш
Лот-8	Оқдарё тумани, Олчин қишлоғидаги 320 ўқувчи ўринли 35-мактабни капитал реконструкция қилиш
Объектларни фойдаланишга топшириш муддати — 2009 йил 15 июлгача.	

Қурилиш ишлари Мактаб таълимини ривожлантириш фонди маблағлари ҳисобидан молиялаштирилади.

Савдо ташкилотчиси: Давлат архитектура ва қурилиш қўмитасининг Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг маркази.

Буюртмачи манзили: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони 1-уй, **телефон:** (8-366) 235-82-86.

Талабгор сифатида иштирок этаётган корхона ва ташкилотлар қуйидаги талабларга мос келишлари керак: улар танлов савдолари предмети қийматининг камида 20 фоизи миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномаси, ишлаб чиқариш базалари, ишлар(хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурслари ва мутахассислар мавжудлиги, танловга қўйилган объектга ўхшаш иншоотларда ишлаганлик тажрибаси ва кўникмаларга, шартномалар тузиш юзасидан фуқаролик-муомала ҳуқуқий лаёқатга эга бўлишлари лозим.

Савдода қатнашиш ва танлов савдоси ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — Самарқанд вилояти қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакллантириш ҳудудий консалтинг марказига, қуйидаги манзил бўйича мурожаат қилишлари мумкин:

Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдони, корпус-2Д, 403-хона. Факс: 233-32-00, тел: 231-13-51.

Танлов ҳужжатлари битта Лот тўпламининг қиймати — 60 000 сўм.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соатигача.

Таклифлар (оферталар) очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб камида 30 кундан кейин қуйидаги манзилда: Самарқанд шаҳри, Кўк-Сарой майдонида, соат 10.00 да, Самарқанд вилоят ҳокимлиги биносининг кичик мажлислар залида ўтказилади.

XORIJDA

ОТА ИСТЕЪФО БЕРДИ

Япониянинг Зироатчилик, ўрмончилик ва балиқчилик вазири Сэйити Ота мамлакатда таркибида зарарли кимёвий моддалар бўлган гуруч сотувга чиққани учун истеъфо берди, деб хабар беради ахборот агентликлари. Отанинг таъкидлашича, ушбу воқеа катта ижтимоий муаммоларни келтириб чиқарган ва бунинг учун вазирлик жавобгарликни ўз бўйнига олиши керак.

Аввалроқ Отанинг ўринбосари Тосиро Сирасу ўз ихтиёри билан лавозимидан кетганди. Япония бош вазири Ясуо Фукуда Отанинг истеъфосини қабул қилиб, унинг ўрнига вазирлар маҳкамаси бош котибини ушбу лавозимга вақтинча тайинлади.

ПАРТИЯ ФАОЛИЯТИ ТЎХТАТИЛДИ

Испания олий суди баск ерлари Коммунистик партияси фаолиятини тўхтатиб қўйди, деб хабар беради ИТАР-ТАСС. Бунга партиянинг фаолияти таъқиқланган Батасуна(ЭТАнинг сиёсий қаноти) партияси билан алоқа қилгани сабаб бўлган. Суд қарорига кўра, партия фаолиятига узил-кесил нуқта қўйилди. Унга тегишли маблағ ва молмулк ижтимоий қатлам эҳтиёжини қоплашга сарфланади.

Баск ерлари коммунистик партиясига 2002 йил асос солинган. 2005 йилги басклар давлатида ўтказилган маҳаллий сайловларда партия 12,4 фоиз овоз билан парламентда тўққизта мандатга эга бўлган эди. ЭТА қуролланган баск гуруҳи эса ўтган асрнинг 60-йилларидан бери басклар давлатининг Испаниядан ажраб чиқишига террор усули билан эришишга ҳаракат қилади.

ФРАНЦИЯ... ВОЗ КЕЧМОҚДА

Франция ҳукумати қишлоқ хўжалигида пестицид (зараркунандаларга қарши ишлатиладиган кимёвий восита)лардан фойдаланишни 50 фоизга қисқартирмоқчи. Ecophyto-2018 деб номланган ўн йилга мўлжалланган дастур Франция вазирлар кенгашига тақдим этилди, деб хабар беради РИА Новости. Ҳужжатни ишлаб чиқишда фермерлар, фитосанитар моддалари ишлаб чиқарувчилар, депутатлар, олим ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этган.

Пестицидлар сарфини қисқартириш қишлоқ хўжалигини модернизациялаш ва барқарор ривожлантиришнинг асосий шартларидан биридир. Дастурга биноан, 53 хилдаги зарарли моддалардан фойдаланиш тўхтатилиши керак. Уларнинг ўттизтасидан Франция шу йилнинг ўзида воз кечади. Мақсад қишлоқ хўжалигида кимёвий воситалардан холи ишлаб чиқаришни йўлга қўйишдир.

Мулкчилик шаклидан қатъи назар, барча қурилиш ташкилотлари ва корхоналари раҳбарлари диққатига!

НАМАНГАН ВИЛОЯТ ҲОКИМЛИГИНИНГ ЯГОНА БУЮРТМАЧИ ИНЖИНИРИНГ КОМПАНИЯСИ

қуйидаги иншоотларга пудратчи ташкилотларни танлаш бўйича очиқ танлов савдолари *эълон қилади:*

	Умумтаълим мактаблари:
	КОСОНСОЙ ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Косонсой тумани, Ширин қишлоғидаги 540 ўқувчи ўринли 18-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	НАМАНГАН ШАҲРИ
1	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Нодим Намангоний кўчасидаги 834 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
2	Наманган вилояти, Наманган шаҳри, Бобуршоҳ кўчасидаги 840 ўқувчи ўринли 11-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	НАМАНГАН ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Наманган тумани, Тепақўрғон қишлоғидаги 360 ўқувчи ўринли 39-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
2	Наманган вилояти, Наманган тумани, Тошбулоқ қишлоғидаги 624 ўқувчи ўринли 23-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	ПОП ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Поп тумани, Янгичек қишлоғидаги 260 ўқувчи ўринли 51-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш (80 ўринли филиали билан).
2	Наманган вилояти, Поп тумани, Қонопли ҚФЙдаги 210 ўқувчи ўринли 46-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
3	Наманган вилояти, Поп тумани, Уйғур-Мозор қишлоғидаги 140 ўқувчи ўринли 55-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	ТЎРАҚЎРҒОН ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Сайрам ҚФЙдаги 360 ўқувчи ўринли 8-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
2	Наманган вилояти, Тўрақўрғон тумани, Тўрақўрғон шаҳарчасидаги 315 ўқувчи ўринли 50-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	УЙЧИ ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Уйчи тумани, Ёркатай қишлоғидаги 720 ўқувчи ўринли 27-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	ЧУСТ ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 480 ўқувчи ўринли 7-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
2	Наманган вилояти, Чуст тумани, Чуст шаҳридаги 660 ўқувчи ўринли 64-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.
	ЯНГИҚЎРҒОН ТУМАНИ
1	Наманган вилояти, Янгиқўрғон тумани, Бирлашган ҚФЙдаги 320 ўқувчи ўринли 58-сонли мактабни мукаммал қайта қуриш.

Қурилиш объектларининг барчасини якунлаш муддати — 2009 йил 1 август.

Буюртмачи: Наманган шаҳри, А.Темур кўчаси, 105-уйда жойлашган Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компанияси.

Телефон: (8-3692) 26-22-60, 33-77-06.

Қурилиш ишлари Наманган вилоят ҳокимлигининг Ягона буюртмачи инжиниринг компаниясига ажратилган умумтаълим мактаблари учун мактаб жамғармаси маблағи ҳисобидан молиялаштирилади.

Танлов савдоларида қатнашиш учун талабгорлар қуйидаги шартларга: танлов савдо предметининг 20 фоиз миқдоридаги айланма маблағларнинг ёки кўрсатиб ўтилган маблағларни беришга банк кафолатномасига, ишлар (хизматлар)ни бажариш учун зарур бўлган меҳнат ресурсларига ва мутахассисларнинг мавжудлигига, етарли касбий ва техникавий малака, молиявий имкониятларга, шартнома тузиш юзасидан фуқаролик-муомала, ҳуқуқий лаёқат ва ваколатларга эга, тажрибали ва ишончли бўлишлари шарт.

Савдода қатнашиш ва танлов ҳужжатларига эга бўлиш учун сўровнома билан савдо ташкилотчиси — қурилишда танлов савдолари ва нархларни шакиллантириш Наманган вилоят консалтинг марказига қуйидаги манзил бўйича: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй (Матбуот уйи, 4-қават), иш кунлари соат 10.00 дан 17.00 гача мурожаат қилишлари мумкин.

Телефон/факс: (8-369) 226-14-50, 226-47-91.

Танлов ҳужжатлари бир тўпламининг нархи — 60000 сўм.

Таклифлар (оферталар) савдо ташкилотчиси томонидан юқоридаги манзилда қабул қилинади.

Таклифлар (оферталар)ни савдо ташкилотчисига тақдим этишнинг охирги муддати — оферталар очилиш куни ва соати.

Таклифлар очилиши матбуотда эълон чоп этилгандан бошлаб ўттиз кундан кейин қуйидаги манзилда ўтказилади: Наманган шаҳри, А.Навоий кўчаси, 36-уй.

